Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 96 (9592). • 1989 йил 20 май • шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

КУН ТАРТИБИДА — ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

18 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ таълими ва маданият доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди. Миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов қонуннинг асосий моддаларини таърифлаб берди.

Лойиҳада ўзбек тилига давлат мақомини бериш кўзда тутилади. Бу ҳужжатда Совет Иттифоқининг Ўзбекистонда яшовчи барча халқлари тилларининг тенг ҳуқуқлилиги тасдиқланган, миллатлараро муомала тили бўлмиш рус тилининг аҳамияти таъкидланган.

Муҳокамада иштирок этган депутатлар ва мутахассислар бир қанча фикр-мулоҳазаларни айтишди ҳамда Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча тилларни ривожлантириш, ўрганиш ва шу тилларни ишлатиш билан боғлиқ аниқ-равшан таклифларни киритдилар.

Доимий комиссиялар қонун лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 19 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Қайта қуришни кучайтирайлик, ишда ташаббускор бўлайлик» мавзусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри М. А. Зоидов, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Кунназаров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Самарқанддаги «КПСС XXV съезди» химия заводининг лаборанти В. И. Черноштан, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари В. П. Хомяк, Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Н. Иванушкина, Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Х. Умурзоқов сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (Музокаралардаги нутқлар матбуотда эълон қилинади).

Пленум ўртоқ Н. И. Попов республикадан жўнаб кетганлиги ҳамда бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари Р. Ашуралиев, А. И. Барулин, Ю. П. Гудков, Х. Р. Қўйбоқаров, В. П. Куксенко, Ю. В. Курочкин И. Қўчқоров, У. Р. Мўминов, С. М. Нестеренко, Г. А. Стефановский, Ж. Ҳасанов ўртоқларнинг, шунингдек Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар Р. Жўраева, К. И. Лапкин, А. Раҳимов, Р. Р. Сафаров, Тен Хай-Гюн, Б. Т. Турик ўртоқларнинг республика партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органларидаги ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Ўртоқ Р. Н. Нишонов республика Компартияси Марказий Комитети составида бўлиб, амалга оширган ишлари учун ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этиб, уларга эзгу тилаклар билдирди.

Пленум «Узглавживпром» Каттақўрғон саноат комплексининг директори Р. Д. Агабабян, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бригадири И. Жўраев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари У. О. Зокиров, Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Р. Иброҳимова, Комсомолобод районидаги «Партия XX съезди» совхози партия комитетининг секретари Ф. Исроилова, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. В. Козирь, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси М. Наврўзова, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Пирнапасов, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг директори С. Н. Раҳмонова, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси В. И. Сускин, рассом Ж. Ю. Умарбеков, Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Амударё» колхозининг балиқчиси У. Утегенов, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси Ф. Ҳамидова, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз бригадири Р. Д. Шодиева ўртоқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. Ўртоқ А. Ҳ. Тошкенбоев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аграр бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Марказий Комитетнинг Ҳуқуқий масалалар комиссияси раиси вазифасидан озод қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимовни шу комиссиянинг раиси этиб тасдиқлади.

Партия турмуши нормаларини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва пораҳўрлиги учун пленум Марказий Комитет аъзоси Ҳ. Умаровни КПСС сафидан чиқарди.

Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг демократия ва ошкораликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб ҳамда кадрлар билан ишлашни демократиялашга алоҳида аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар резерви составини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети сектор мудирининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Шипилов қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми ўз ишини тамомлади.

ШАНХАЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

ШАНХАЙ, 18 май (ТАСС мухбирлари). Расмий визит билан ХХРда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев бугун Хитойнинг энг йирик саноат маркази Шанхайга келди.

Бу шаҳар империализмга қарши кураш ва революцион кураш анъаналари билан донг таратган. Шаҳар аҳли Совет Иттифоқи билан азалдан дўстлик алоқалари ўрнатгандир.

Аэропортда совет раҳбарини, унинг рафиқасини ва совет делегацияси аъзоларини шаҳар меҳнаткашлари номидан ХКП Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, ХКП Шанхай шаҳар комитетининг секретари Цзян Цзэминь, Шанхай мэри Чжу Жунцзи, ХКП Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари У. Сюецянь, ХХР ташқи ишлар министри Цянь Цичэнь самимий кутиб олдилар.

М. С. Горбачевни шаҳарнинг ёш гражданлари қутладилар. Улар меҳмонларни «Шанхайга хуш келибсиз!» деб олқишлаб турдилар.

12 миллион аҳоли яшайдиган шаҳар кўчаларига чиққан неча ўн минглаб шанхайликлар «Сицзяо» қароргоҳига йўл олган автомобиллар кортежини илиқ табассум ва олқишлар билан кузатдилар.

«Сицзяо» қароргоҳида Цзян Цзэмин билан қисқача суҳбат бўлиб ўтди, суҳбат чоғида Совет — Хитой алоқалари тўла нормаллашгани муносабати билан ўзаро мамнуният изҳор этилди. Суҳбатда М. С. Горбачев, Р. М. Горбачева ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар иштирок этишди.

Шаҳар мэри Чжу Жунцзи совет раҳбари шарафига нонушта зиёфат берди.

Чжу Жунцзи М. С. Горбачевни қутлар экан, ХХР билан СССР ўртасида муносабатлар яхшиланиб боргани сайин Шанхай билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этди. Шанхайда яна СССРнинг Бош консулхонаси очилди, Совет Иттифоқи билан савдо обороти йил сайин кўпайиб бормоқда. Шанхай ва Ленинград эндиликда биродарлашган шаҳарлардир, иккала шаҳарнинг турли соҳалари — экономика, савдо, маданият, маориф ва спорт соҳаларидаги алоқалари ва ҳамкорлиги эндиликда тез ўсиб бормоқда. Мэр иккала мамлакат раҳбарларининг ҳозирги учрашуви ХХР билан СССР, ХКП ва КПСС ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради, Шанхай билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар ва ҳамкорликнинг катта истиқболларини очади, деб умид билдирди.

М. С. Горбачев ўз нутқида совет делегацияси Шанхай аҳли, Хитой меҳнаткашлари бой революцион ўтмишини, кўп саҳифаларини, Хитой пролетариатининг биринчи синфий жанглари, Хитой Коммунистик партиясининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган Шанхай шаҳрини кўришни орзиқиб кутганлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев ХХР ва ва ХКП раҳбарлари билан бўлган учрашувларга баҳо берар экан, ушбу визитни «янги босқични бошлаб берадиган воқеа» деб атади, бу — иккала мамлакат ва иккала халқ билан бирга бутун дунё учун ҳам катта ижобий самаралар келтиради. СССР билан ХХР ўртасидаги барқарорлик, яхши қўшничилик икки улуғ халқнинг орзу-умидларига жавоб берибгина қолмай, Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва бутун жаҳондаги вазиятни соғломлаштириш манфаатларига ҳам жавоб беради, деди совет раҳбари.

У бу визитдан кейин СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларга янги жўшқинлик бахш этилади, деб умид изҳор қилди. Совет Иттифоқи бу муносабатлар партиялар ўртасидаги муносабатларда ҳам, давлатлараро алоқаларда ҳам, фан ва маданият арбоблари ўртасидаги алоқаларда ҳам кенгайиб ва чуқурлашиб бориши, мазкур алоқалар шаҳарлар, корхоналар, меҳнат коллективлари, оилалар ўртасида ўрнатилиши тарафдоридир. М. С. Горбачев Шанхай билан Ленинград алоқаларини ана шундай ҳамкорликнинг яхши намунаси, деб атади.

М. С. Горбачев СССР билан дўстлик туйғулари Хитой халқи кекса авлодлари кенг қатламлари ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашуви Хитой ёшларига ҳам жуда маъқул бўлгани бизни хурсанд қилди. СССР аҳли иккала мамлакатнинг ёшлар ташкилотлари, йигит ва қизлари ўртасидаги алоқалар ҳам кенгайиб бораверади ва улар Совет ва Хитой халқлари дўстлиги эстафетасини ишонч билан олға элтади, деб умид қилади.

Шундан кейин меҳмонлар қисқа муддат ичида шаҳарни айланиб чиқдилар. Даставвал А. С. Пушкин ҳайкали ёнида тўхташди.

Бу ҳайкалнинг тақдири ажойиб. Шанхай аҳолисининг, бу ерда яшаган руслларнинг тўплаган маблағи эвазига 1937 йилда қурилган бу обида япон милитаристларига қарши миллий озодлик уруши йилларида босқинчилар томонидан яксон қилинган эди. 1947 йилда Хитой халқининг шоир улуғ Ватанига ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида ҳайкални тиклашди. Аммо «маданий революция» даврида ҳайкал яна вайрон қилинди. Яқинда рус шоирининг бронза ҳайкали яна ўз жойига ўрнатилди. Ушбу ёдгорлик шаҳар аҳлининг илтимосига кўра, халқларимиз ўртасидаги анъанавий маънавий алоқаларнинг рамзи сифатида тикланди.

М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси А. С. Пушкин ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди.

Шанхай ёш атрофидаги йўлдош шаҳарлар билан биргаликда ҳозир ХХРнинг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, ички ва ташқи савдосида, Хитойнинг фан ва техникаси, маданияти ва маорифини ривожлантиришда етакчи роль ўйнамоқда. Пекин ва Тяньцзинь билан бирга у марказга бўйсунган уч шаҳардан бири сифатида мамлакат ялпи саноат маҳсулотининг 11-12 процентини бермоқда. Шанхай жаҳондаги 170 давлат ва район билан савдо-сотиқ қилмоқда. Бу ерда 50 дан кўпроқ олий ўқув юрти, 200 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси бор.

Яқиндагина Шанхайдан 30 километр жануби-ғарбда жойлашган йўлдош шаҳар Минханда ва унинг яқинидаги Хунцяо шаҳарчасида техникавий-иқтисодий тараққиётнинг янги райони — электротехника саноати шаҳри бўлган Минхань қурилиши бошланди. Бу ерда ана шу тармоққа тааллуқли 50 дан ортиқ корхона бор. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар бугун замонавий лифтлар ва эскалаторлар тайёрланадиган заводга бордилар. М. С. Горбачев корхонада ишчилар ва хизматчилар билан суҳбатлашди.

* * *

Шу куниёқ М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган совет расмий кишилари Шанхайдан Ватанига жўнаб кетдилар. Аэропортда совет меҳмонларини Цзян Цзэминь, Чжу Жунцзи, У. Сюецянь, Цянь Цичэнь, Шанхай жамоатчилигининг вакиллари кузатиб қолдилар.

* * *

М. С. Горбачевнинг ХХРга қилган расмий визити якунлари юзасидан Совет-Хитой қўшма ахбороти қабул этилди, бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

Барҳаёт Ҳамза

Тошкентда тантанали йиғилиш

19 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Катта театри биносида бўлган кеча инқилобчи шоир ва интернационалист, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарининг марказий воқеаси бўлди. Бу ерга ижодкор зиёлиларнинг, партия, совет, комсомол ташкилотларининг, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, қардош республикаларнинг намояндалари, чет эллик меҳмонлар келишди.

Кечани Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов очди. Филология фанлари доктори, Ҳамза ижодининг тадқиқотчиси Л. П. Қаюмов доклад қилди.

Ўзбекистон ҳақидаги ўз шеърларини ўқиб берган СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси, шоира Л. Шчипахина, белорус шоири Р. Бородулин, Афғонистон ёзувчилари уюшмасининг президенти Акром Усмон, Озарбайжон ёзувчиси Ч. Абдуллаев, тожикистонлик санъатшунослик доктори Н. Нуржонов, қирғиз ёзувчиси К. Оқматов, литвалик таржимон Г. Капицкайте, турк ёзувчиси Явуз Оқпинор Ҳамза ижодининг новаторлик руҳи,революцион пафоси ва инсонпарварлиги, халқ бахт-саодати тантанасига ишонч эътиқоди ҳақида, шоир ижодининг завол билмас қадр-қиммати тўғрисида гапирдилар.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Элчи қабул қилинди

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан республикага келган Малайзиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Мутурингам Сатаяни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонга республикадаги қайта қуриш жараёнлари тўғрисида ахборот берилди; Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида экономика, савдо, илм-фан ва маданият соҳаларидаги икки томонлама бевосита алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

М. М. Сатая Ўзбекистон ССР Госпланида қабул қилинди, у амалий санъат музейини, Тошкент чинни заводини бориб кўрди, Тошкент областидаги «Маданият» колхозида ва «Лимонарий» колхоз-комбинатида бўлди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 18 май куни Хитойдан Москвага қайтиб келди. У ХХР Раиси Ян Шанкуннинг таклифига биноан расмий визит билан Хитойга борган эди.

М. С. Горбачевнинг сафарида унга ҳамроҳлик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов у билан бирга қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ХХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Чжан Чжэн бор эди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

18 май куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдан ташқари мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети социал-иқтисодий бўлими тақдим этган материалларга кўра «Правда Востока» газетасида 1989 йил 28 март куни эълон қилинган «Кооперациями ё...» мақоласи ҳамда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг Самарқанд область ижроия комитети план комиссияси ҳузурида тузилган «Тафаккур» кооперативи фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги хати кўриб чиқилди.

Муҳокама шуни кўрсатдики, республика давлат муассасаларининг айрим масъул ва раҳбар ходимлари, ўз хизмат мавқеларидан фойдаланиб, ясама кооперативлар тузиш ва уларда бевосита иштирок этиш йўлини тутдилар, пул даромади ундиришнинг янги йўлларини қидира бошладилар.

1988 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раҳбариятининг ва «Экономика и жизнь» журнали меҳнат коллективининг розилигисиз шу журнал бош редактори Ю. И. Слашчининнинг ташаббуси билан «Менежер» кооперативи тузилди ва у Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитетида рўйхатдан ўтказилди. Кейинчалик бу кооператив составига Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосарлари М. Д. Мухортов, О. Г. Пшеничний, шу комитет бўлими бошлиғи Е. К. Слепков, Ўзбекистон ССР Госстройи план-иқтисод бошқармасининг бошлиғи В. Э. Сташис кирдилар. Текширув вақтида кооперативга 10 киши аъзо эди. Шулардан бевосита 4 киши яқин қариндошдир.

«Менежер» кооперативи уставда белгилаб қўйилган вазифалар ўрнига ижара шароитида корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича воситачилиқ фаолияти билан шуғуллана бошлади. Шунинг эвазига корхоналар ва ташкилотлардан меҳнат коллективларининг ижозатисиз кооперативга катта пул маблағлари ўтказилди. Бундан ташқари кооператив аъзолари давлат корхоналари ва ташкилотлари учун бошқарув ходимларини тайёрлаш юзасидан ҳар хил курсларни очиш эвазига даромад қидиришга берилиб кетдилар. Ўқитувчилар коллективига кўпинча бошқарув соҳасида амалий кўникмалари бўлмаган кишилар жалб этилди.

Кооперативнинг ҳисоб-китоб счётига 172 минг сўм тушди. Шулардан 79 минг сўми маошга ва командировка эҳтиёжларига сарфланди, кооператив аъзоси ўртоқ Хмельковга эса шахсий уй-жой сотиб олиш учун ўн йил муддат билан 50 минг сўм миқдорида процентсиз қарз берилди, гўё шу уйда кооператив эҳтиёжлари учун турли тадқиқотлар ўтказадиган лаборатория жойлашган эмиш. Ишларнинг айрим

(Давоми тўртинчи бетда).

Айрим сайлов округларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисида

АХБОРОТ

1989 йил 14 май куни 15 та сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови бўлди.

Қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари этиб сайландилар:

Тошкент шаҳридаги 12-Киров сайлов округидан ўртоқ Акбаржон Юсупов, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси электр кара ҳайдовчиси;

Тошкент область 85-Бўка сайлов округидан ўртоқ Эргаш Исмоилович Фозилов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари;

Тошкент область 89-Димитров сайлов округидан ўртоқ Есенгелди Турлибекович Абдураимов, Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз бригадири;

Тошкент область 108-Келес сайлов округидан ўртоқ Баҳодир Сайдазимов, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бригадири;

Андижон область 157-Булоқбоши сайлов округидан ўртоқ Эргаш Раҳимов, Андижон область ижроия комитетининг раиси;

Бухоро область 168-Транспорт сайлов округидан ўртоқ Юрий Михайлович Сажнев, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг иккинчи секретари;

Бухоро область 186-Шофиркон сайлов округидан ўртоқ Шомил Қодирович Гатаулин, Бухоро область ижроия комитетининг раиси;

Наманган область 267-Куйбишев сайлов округидан ўртоқ Владимир Дмитриевич Великанов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири;

Самарқанд область 352-Қуйиқишлоқ сайлов округидан ўртоқ Шаҳобиддин Сироживич Зиёмов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири;

Сурхондарё область 373-Янгибозор сайлов округидан ўртоқ Николай Дмитриевич Филиппов, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг иккинчи секретари;

Сирдарё область 201-Зомин сайлов округидан ўртоқ Зулфия Хорунова, Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг мастери;

Фарғона область 444-Заркент сайлов округидан ўртоқ Ўктам Иброҳимович Усмонов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири;

Хоразм область 458-Ленин сайлов округидан ўртоқ Қозоқ Ҳалимбетов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси;

Хоразм область 462-Гурлан сайлов округидан ўртоқ Қурбонбека Хўжамуродова, Гурлан районидаги Киров номли колхоз пиллачилар бригадасининг бошлиғи;

Қорақалпоғистон АССР 496-Ленинобод сайлов округидан ўртоқ Соғиндиқ Даутлетиёрович Ниятуллаев, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

Р. Н. НИШОНОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг 25 апрелда бўлиб ўтган Пленуми ҳозирги мураккаб босқичда бутун партиянинг иши учун – ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу Пленум партия ўз фаолиятига реалистик ва ўзини ўзи танқид руҳида қараётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Пленум барча партия бўғинларини мавжуд муаммоларни ҳалол ва рўй-рост таҳлил этиб, уларни ҳал этишнинг реал йўлларини белгилаб олишга, стратегик йўлга мувофиқ келадиган ҳаракатлар тактикасини ишлаб чиқиб, барча йўналишларда зўр ғайрат билан ишларни авж олдириб юборишга чақирди.

Тўғрисини айтсак, республикада вужудга келаётган жўн бўлмаган ижтимоий-сиёсий вазият ҳам зиммамизга худди шундай вазифани юклайди. Бир томондан сиёсий ва иқтисодий ислоҳот демократиялаш, омманинг сиёсий онгини кенг кўламда ошириш жараёнларини ҳаракатга келтирди, одамларнинг ўзлигини англаши тез ўсиб бормоқда. Иккинчи томондан, социал соҳада, экология, миллатлараро муносабатлар соҳасида неча ўн йиллар мобайнида таркиб топган яна ўша ярамас бюрократик муҳитга, оддий инсоннинг эҳтиёжлари билан ҳисоблашишни ошкора истамасликка дуч келаётганликлари одамларни айниқса ранжитмоқда.

Қайта қуришдаги маълум қийинчиликларга қарамай, ҳар ҳолда халқ хўжалиги комплексидаги кескинликни муайян даражада пасайтиришга, турғунлик чизиғидан ўтишга, экономикага кўпроқ социал йўналиш бағишлашга муваффақ бўлинганлигини йўққа чиқариш мумкин эмас, албатта. Туб иқтисодий ислоҳот изчиллик билан амалга оширилмоқда, бирлашмалар, корхоналар ҳамда хўжаликларни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтказиш асосан ниҳоясига етказилди. Одамларнинг хўжалик соҳасидаги мустақилликка, иқтисодий ислоҳот босқичларидан хўжалик ҳисоби ва ижаранинг илғор шакллари сари юксалишга интилиши тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Умуман эса, такрор айтаман, аҳвол жуда мураккаблигича қолмоқда. Ҳозир экономика ва социал соҳага баҳо бериш учун кўпгина соҳаларда чўзилиб кетган қолоқлик сабабларини билиб олиш принципиал муҳимдир. Биз қайд этаётган ижобий силжишлар ошиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари, ўй-жой билан таъминлашдаги вазиятни тубдан яхшилашга нима учун олиб келмаётганлигини, бунинг устига кўп ҳолларда бу борадаги ишлар ҳатто кескинлашиб бораётганлигини ўзимиз англаб олишимиз ва одамларга тушунтириб беришимиз керак. Энг муҳими эса бундан сиёсий хулосалар чиқариб олиш ва шулар асосида бундан буёнги ҳаракатлар тактикасини ишлаб чиқиш лозим.

Чуқур таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаручи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда неча йиллар мобайнида таркиб топган структуравий номутаносибликлар тўсқинликнинг асосий сабабларидир. Бу республика саноати, асосан, ярим фабрикат ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, қайта ишлаш тармоқларининг қолоқлигидир. Бу — пахта яккаҳокимлигидир. Бу — саноатнинг пойтахт областида ва бир нечта йирик шаҳарларда жамланганлигидир. Бу ҳол бошқа регионларда меҳнат ресурслари ошиб-тошиб кетишига олиб келади. Бу — социал мақсадларга ва табиатни муҳофаза қилишга маблағ ажратишнинг қолдиқ принципидир.

Вазиятнинг жиддийлиги Марказий Комитет билан республика ҳукуматини 1995 йилгача бўлган даврда социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг принципиал янги концепциясини ишлаб чиқиш зарурлигини англашга олиб келди. Иқтисодий потенциални территориялар бўйича бараварлаштириш, талайгина меҳнат ресурслари мавжуд бўлган регионларда сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш борасида катта тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Бунда маҳаллий хом ашё негизида тугал ишлаб чиқариш цикли билан қайта ишловчи тармоқлар комплексини шакллантиришга афзаллик берилади. Пахтани саноат йўли билан қайта ишлашни икки баравар кўпайтириш, республикани ип газлама буюмлари бошқа жойлардан келтириладиган региондан уларни кўплаб ишлаб чиқарадиган республикага айлантириш мўлжаллаб қўйилди. Пахта комплексида ва умуман қишлоқ хўжалик тармоқларида жиддий қайта қуриш кўзда тутилади. Энг муҳими эса эътиборни социал масалаларга қаратишдан, одамларнинг фаровонлигини кескин оширишдан, унинг умумиттифоқ даражасидан қолоқлигини анча қисқартиришдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва мамлакат ҳукумати бизни таклифларимизни қўллаб-қувватладилар. Лойиҳа матбуотда эълон қилинди, меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида кенг муҳокама этилмоқда. Меҳнаткашлар умуман белгиланган чора-тадбирларни маъқуллаб, жуда кўп таклиф ва мулоҳазаларни айтдилар, улар эътиборга олинади.

Программани рўёбга чиқариш 60 миллиард сўмдан ошадиган талайгина қўшимча капитал маблағни талаб этади. Бунда регионал хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш концепцияси лойиҳасига мувофиқ мана шу маблағларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини республика ва маҳаллий бюджетнинг маблағлари, шунингдек аҳолининг пул маблағлари ташкил этиши керак.

Программа амал қила бошлаши учун биз ҳозирнинг ўзидаёқ кечиктириб бўлмайдиган бир қанча вазифаларни бевосита ҳал этишимиз лозим. Аввало, республиканинг молиявий аҳволини соғломлаштириш зарур.

Шуни дангал айтишимиз керакки, бу беш йилликда ҳам давлат молиясини шакллантиришдаги кескинлик давом этди, пул муомаласидаги чигаллик кучайди, бюджет камомади тез ўсиб борди.

Зарар кўриб ишлаётган корхоналар бюджетимиз юкини оғирлаштирмоқда. Маҳаллий саноат министрлиги (Ў. Қ. Исмоилов), Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги (Б. И. Бугров), Давлат агросаноат комитети (И. Ҳ. Жўрабеков), Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети (Э. Т. Турсунов) қарамоғида ана шундай корхоналар кўп. Ўтган йили 290 та корхона, ташкилот ва хўжалик фойда кўриш ўрнига 180 миллион сўм зиён кўрдилар, зарар кўриши планда кўзда тутилган 189 та корхона йилни 69 миллион сўмлик пландан ташқари зиён билан якунладилар.

Пулнинг қадрсизланиши шароитида иш ҳақининг ортиши, меҳнат унумдорлигининг ўсишидан кескин илдамлад кетяпти, аслида ишлаб топилмаган пул билан ҳақ тўлаш кўпайиб боряпти.

Бундай шароитда қандай таклифларни ўртага қўйиш мумкин? Зарар кўришга қай йўсинда барҳам бериш мумкин? Вариантлар кўп. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни хўжалик ҳисобининг иккинчи моделига ўтказиш замирида катта резервлар бор, ушбу модель ишлаб топилмаган маблағларни тўлаш имкониятини батамом истисно этади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар ва ишлаб чиқаришларни кооперативларга бериш ҳамда уларни фойдалироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиб, қайтадан ихтисослаш истиқболлидир. Бу ишга дадилроқ киришиш зарур.

Беш йиллик охиригача халқ хўжалигининг барча тармоқларини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказишни якунлаш, хўжалик механизмини йўлга қўйиш, халқ хўжалик комплексининг барча бўғинларида шакллари турлича бўлган хўжалик ҳисоби муносабатларнинг министрликлардан тортиб идораларгача, қуйи ишлаб чиқариш бўғинларидан тортиб ҳар бир ходимгача қарор топишига эришиш муҳим вазифадир.

Ўн учинчи беш йиллик бошланишига қадар биз хўжалик юритиш ва бошқарувнинг яхлит системаси негизини бунёд этишимиз керак, ушбу система СССРнинг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги ва «СССРда кооперация тўғрисида»ги Қонунларининг тўла амал қилишини таъминлаши ва республика хўжалик ҳисобига ўтиши учун яхши замин яратиши лозим.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси яна қунт билан ишлашни тақозо этади. Гарчи бу схемани амалга ошириш учун кўп иш қилинган бўлса ҳам аммо иш устида баъзи нарсаларни, айниқса маъмурий-территориал бўлинишга оид ишларни тузатишга тўғри келмоқда. Министрликлар ва идоралар иш услубида қайта қуриш сезиларли эмас. Уларнинг бошқарув аппаратини қисқартириш раҳбарликнинг бюрократик форма ва методларини камайтирмади, министрликлар ва идоралар ўзларининг илгариги маъмурий-тазйиқ ўтказиш вазифаларидан воз кечишни истамаяптилар. Бунинг устига, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда бошқарувчилар камайиши у ёқда турсин ҳатто 60 минг киши кўпайди.

Республика Министрлар Совети, унинг Президиуми ва шахсан Ғ. Ҳ. Қодиров бош схемани ишлаб чиқиш вақтида биз йўл қўйган хатолар ва нуқсонларни тезроқ тузатишлари лозим. Агар раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик услубига батамом барҳам берилмаса, жадаллаштириш программаси ишга тушмайди. Бошқарувнинг маҳаллий органларига ҳуқуқ ва ваколатларни дадиллик билан бериш, уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш лозим.

Аввало, куч-ғайратларни аграр секторни бошқаришга жамлаш зарур, чунки озиқ-овқат таъминотининг ҳал этилиши шу секторга боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми якунлари муҳокама қилинган қурултойда биз бу масалаларни батафсил кўриб чиққан эдик. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Н. Н. Слюньков ва Е. К. Лигачев яқинда республикамизга келишиб, меҳнат коллективлари, ижарачилар, активлар билан учрашганларида бу масалалар диққат марказида бўлди.

Эндиликда қабул қилинган тадбирлар натижасида жойлардаги бошқарув органларига, колхозлар ва совхозларга катта мустақиллик берилди, уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бу батамом янги вазиятдир. Бу ҳуқуқлардан ўқув билан фойдаланишаётган ерларда дастлабки умидбахш натижалар олинди. Масалан, шаҳарлар аҳолиси нисбатан кўп бўлган Тошкент областида бир неча йилдан буён аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулоти етиштириш барқарор равишда ўсиб бормоқда. Уч йил ичида ушбу кўрсаткич сабзавот-қовун-тарвуз бўйича 15—20 процентни, картошка бўйича 9 процентни, сут ва гўшт бўйича 4—5 процентни ташкил этди. Янги иқтисодий шароитларда Сурхондарё область хўжаликларининг эртанги сабзавот етиштиришни кўпайтиришда қулай иқлим шароитидан яхшироқ фойдаланиш ташаббуси сезилиб турибди.

Шу билан бир қаторда, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида аграр сектордаги партия ташкилотлари, совет органлари, раҳбар хўжалик кадрлари турлича ишлаётгани ҳақида адолатли хулоса чиқарилди.

Ўзингиз бир мулоҳаза юритиб кўринг. Ўтган йилдагидек ниҳоятда қулай келган шароитда Наманган ва Самарқанд областларида аҳоли жон бошига сут етиштириш 5 процент озайди.

Область партия комитетларининг секретарлари Орифжонов, Алламуродов, Икромов, Клепиков ўртоқлар, область ижроия комитетларининг ва область агросаноат комитетларининг раҳбарлари мазкур фактлардан жиддий хулосалар чиқариб олишлари зарур.

Жадаллаштириш программасида белгиланган марраларга чиқиб олиш учун бу йил ва 1990 йилда ўртача йиллик ғўшт ва сут етиштиришни 17—20 процент, картошка, мева, резавор мева етиштиришни 26 процент, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштиришни 12—15 процент, ем-хашакни камида 25 процент кўпайтиришни таъминлаш керак.

Ҳар бирингиз ўзингиздаги амалдаги ўсиш суръатларини шу кўрсаткичлар билан таққослашингиз ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча асосий тармоқларини ривожлантиришни нечоғли жадаллаштириш лозимлигини, нечоғлик ғайрат билан ишлаш кераклигини аниқлаб олишингиз мумкин.

Ана шу барча вазифаларни бажариш регионимизга тўсатдан совуқ тушиб узоқ давом этгани сабабли мураккаблашди. Апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида ёғингарчилик кўп бўлгани, ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши ва совуқ бўлгани қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказди. Қарийб 1 миллион гектар ердаги ғўза шикастланди, шундан 900 минг гектари қайта экилди. 150 минг гектардан кўпроқ майдондаги боғлар, узумзорлар, тутзорлар жиддий зарар кўрди. 600 минг гектар ердан кўпроқ майдонда сабзавот-қовун-тарвуз ва бошқа экинларни қайтадан экишга тўғри келди. Аҳолининг 680 минг шахсий ёрдамчи хўжалиги шикастланди. Жамоат ва шахсий секторларида табиий офат оқибатларини тугатишдан кўрилган зиён 850 миллион сўмдан иборатдир.

Республикада рўй берган табиий офатга КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати зўр эътибор ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлди. Республикага шошилинч ёрдам кўрсатиш чораларини шахсан М. С. Горбачев билан Н. И. Рижков кўриб чиқишди. Сизларга маълумки, бундан бир неча кун илгари Е. К. Лигачев Ўзбекистоннинг бир қатор областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бўлиб аҳволни чуқур ўрганди, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишлари қандай бораётганлиги билан шахсан танишди. СССР Министрлар Совети, СССР Госплани, Давлат агросаноат комитети, Давлат банки, Молия министрлиги, Госстройи, бошқа иттифоқ министрликлари ва идоралари зарар кўрган, районлар ва хўжаликларга шошилинч ёрдам кўрсатиш юзасидан зарур тадбирларни оператив тарзда кўриб чиқдилар.

Республикага колхоз ва совхозлар, шунингдек гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари кўрган зарарнинг ўрнини қоплаш учун катта пул ресурслари ажратиляпти, совуқ уриши оқибатларини тугатиш соҳасидаги ишларни бажариш учун қўшимча миқдорда минерал ўғит ва дизель ёнилғиси, қайта экиш учун уруғлик картошка ажратиляпти. Шунингдек, қайта экиш соҳасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш учун, боғлар ва токзорлардаги нобуд бўлган ҳосил ўрнини қоплаш учун зарур маблағлар ажратилмоқда. 1989 йилги маҳсулот етказиб бериш шартнома планларига аниқлик киритилмоқда. СССР Госстрахи хўжаликлар ва гражданларга тўлаш учун каттагина маблағ ажратди.

Биз саросимага тушмаслик ҳамда ана шу мураккаб шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва реализация қилиш планларимизни амалга ошириш учун журъат топа олишимиз керак. Бу — қийин, лекин реал вазифадир. Резервлар бор. Нобуд бўлган бедапояларда силос ва кўк озуқа учун маккажўхори экиш, кейинчалик, август-сентябрь ойларида эса ана шу майдонларга беда экиш мумкин. Табиий шароит бизга қайта экишдан кейин ҳам бироз кечикиб бўлсада, сабзавот ва полиз экинларидан ҳосил олиш имконини беради. Табиий офатнинг кўпгина оқибатларини ғўза, боғ ва токзорлар парваришини кучайтириш йўли билан бартараф этиш мумкин. Энг муҳими эса ҳамма — раҳбарлар ва мутахассислар ўз билими, тажрибаси, ташкилотчилик маҳоратини тўла намоён қилиши ва одамларни ўзига эргаштира олиши зарур.

Янги иқтисодий муносабатлар аграр сиёсатдаги туб бурилишнинг қудратли омилидир. Очиғини айтсак, бу муносабатларнинг афзалликлари пировард натижаларда ҳали жуда суст кўринмоқда, бу ишда кўпгина расмиятчилик сақланиб қолмоқда. Республика Давлат агросаноат комитетининг ҳисоботларига кўра, аксарият деҳқончилик ва чорвачилик бўлинмалари ижара ва бошқа пудрат муносабатлари билан қамраб олинган. Хўш, бунинг натижаси қани? Ҳатто ўтган, жуда қулай келган йилда ҳам 145 хўжалик йилни зарар билан тугаллади, 525 колхоз ва совхоз рентабеллиги 15 процентдан камроқ бўлди. Пахта, сабзавот-полиз экинлари, ҳўл мева, узум таннархи ошди.

Қишлоқлардаги оддий меҳнаткашлар билан учрашганимизда уларнинг кўпчилиги ерни, чорва молларини ижарага олиб, қимматбаҳо маҳсулот етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришишга тайёр эканликларига ишонч ҳосил қилдик. Лекин хўжаликларда мутахассислар ва раҳбарлар ижара пудрати йўлига кўплаб тўсиқ солмоқдалар, мутахассислар ва раҳбарлар эса ҳар бир совхозда ўрта ҳисобда салкам 40 та, колхозда эса 20 тадан ортиқроқ.

Бунда кўп нарса область ва район партия комитетларининг позициясига боғлиқ. Масалан, Фарғона областида область партия комитети ва район партия комитетлари хўжаликларнинг кўпчилик раҳбарларини ва қишлоқдаги оддий меҳнаткашларни ижаранинг фаол тарафдорларига айлантиришга эришдилар. Бу ерда ижарачилар маъмурият зўравонлигидан ишончли тарзда ҳимоя қилиниши ҳақида ғамхўрлик кўрсатилди, участкалар ажратишда, шартнома шартларини белгилашда турли суиистеъмоллар ва таъмагирликлар йўлига ғов солинди. Бундай мисолларни бошқа бир қанча областлардан ҳам келтириш мумкин.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари, гражданларнинг шахсий томорқалари, боғлари ва полизлари қўшадиган ҳиссани кўпайтириш — яна бир ғоят муҳим масаладир. Ҳозир республикада корхоналарнинг 1,5 миннга яқин аграр цехи бўлиб, уларга 230 минг гектардан кўпроқ экинзор бириктириб қўйилган, уларда 260 минг бош турли чорва моллар бор. Лекин буларнинг ҳаммасидан қандай фойдаланилмоқда?

Сурхондарё, Хоразм областларининг ёрдамчи хўжаликларидаги ҳар бир гектар суғорма ердан фақат 10-14 центнер сабзавот, Бухоро, Наманган, Тошкент областларида 4-9 центнердан мева ва резавор олинаётир. Ердан бундай фойдаланиш хўжасизликкина эмас, балки тўғридан-тўғри масъулиятсизлик, ҳатто ҳаётимизга ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

ҚАЙТА ҚУРИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Бошқ иккинчи бетда).

Республикада шундай қийинчиликлар рўй бериб турган пайтда беш йиллик бошидан бери, 1981 йилдан буён янги қурилган ва реконструкция қилинган барча корхоналар ва объектлар бўйича мўлжалдагидан 1,6 миллиард сўмлик кам маҳсулот олинди. Хусусан, Госстрой корхоналари бўйича қувватлардан тўла фойдаланмаслик натижасида ўтган йилнинг ўзида 66 миллион сўмлик бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилмади.

II.

Биз меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоминнинг кўплаб бузилишидан ҳамон катта зарар кўраётирмиз. Иш вақтининг зое кетиши ўтган йили 1987 йилга нисбатан кўпайди ва шу сабабга кўра биз мўлжалдагидан 100 миллион сўмлик кам саноат маҳсулоти олдик. Камчиликларимиз эна шунака қимматга тушаётир. Биз КПСС Марказий Комитетининг Пленуми талаб қилганидек, йўл қўйилган хўжасизлик сабабларини дарҳол партиявий йўл билан ўрганишимиз, бунга принципиал баҳо беришимиз зарур. Ресурслар ва маблағлар тали-торож қилинишига ким айбдорлигини, бунинг учун у қандай жазо олганлигини ва тартиб ўрнатиш юзасидан қандай тадбирлар белгиланганлигини ҳамма билиши учун бу ишни ошкора қилиш керак. Ана шу вазифанинг бажарилишини назорат қилишни Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат, республика халқ контроли комиссияси раиси А. С. Ефимов ва Марказий Комитет аъзоси, партия контроли комиссияси раиси Р. Х. Абдуллаев ўз зиммаларига олишса, афтидан, тўғри бўлур эди.

Тартиб ўрнатиш юзасидан савдо тармоғига алоҳида эътибор бериш керак. Бу жиддий муаммони биз яқинда республика активлари йиғилишида махсус муҳокама қилдик. Бошқа барча социал муаммолардан фарқли ўлароқ, бу муаммо билан ҳар куни шуғулланиш зарур. Ажратилаётган фондлар харидорга бориб етмаётганлиги кечирилмас бир ҳолдир. Саноат ва озиқ-овқат товарларини яшириб қўйиш, уларни омборлардан, базалардан ва пештахта орқасидан ошириллган нархда сотиш сингари кўплаб фактлар аниқланди. Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари фондларнинг тақсимланиши ва харидорга етказиб берилиши устидан кундалик назорат ўрнатишлари лозим. Шундагина силжишга эришиш мумкин ва бу ишни биз ишчи контроли ҳамда жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда қатъият ва муросасизлик билан қилишимиз зарур.

Савдо объектлари ва дўконларни ишининг янги формаларини ҳам қидириб топиш керак. Фарғона водийсида ва бошқа бир қатор жойлардаги қишлоқларда мўъжазгина оилавий магазинлар очилаётир. Улар кечаю-кундузи ишлаб, аҳолини мавжуд товар ва маҳсулотлар билан тўла таъминлаяпти, уларни насяга ва кредитга сотаяпти. Оддий иш бўлса-да, фойда жуда катта бўлаётир. Аммо ҳамма жойда ҳам уларни ташкил этиш билан шуғулланилмаётир.

Биз ҳаммамиз барқ уриб ривожланаётган кооператив ҳаракати билан жиддий шуғулланмоғимиз даркор. Ҳозирча биз ундан кўнгилдагидек самара олаётганимиз йўқ. Республикада 6980 кооператив бор. Уларга шу йилнинг биринчи кварталининг ўзида махсус банклардан 166 миллион сўм миқдорида нақд пул берилди, улардан тушган пул эса 32 миллион сўм бўлди, холос.

Фақат корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари бўйича ишлаётган кооперативлар фаолияти пул муомаласи ҳолатига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатаётир. Бундай кооперативлар хизмати учун корхоналар нақд пул бермайдилар, уларнинг ҳисобларидаги маблағлар эса нақд пул билан тўланаётир.

Масалан, шу йил I кварталда Тошкент шаҳридаги «Пионер», «Триумф», «Гарант» кооперативлари барча ишлар ва хизматларнинг 100 процентини корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси бўйича бажардилар, «Мастер» кооперативи 468 минг сўмлик умумий иш ҳажмидан фақат 8,5 минг сўмлигини аҳоли учун бажарди. Шу сабабли яқинда тузилган Ўзбекистон ССР Кооперативлар союзининг энг муҳим вазифаларидан бири, бизнинг фикримизча, банк кассасига нақд пул тушишини кўпайтиришдан ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар салмоғининг ўсишини таъминлашдан иборатдир.

Кооперативлар республика аҳолисини камчил халқ истеъмоли товарлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнашлари керак. Лекин кўпинча уларнинг фаолияти очиқдан-очиқ савдогарчиликка айланиб қолмоқда. Тошкентдаги «Меҳнат» касаначилик фабрикаси ҳузуридаги «Сўғдиёна» кооперативи совун ва кир ювиш воситалари етишмаётганлигидан фойдаланиб, Олмалиқдаги рўзғор химияси заводида 20 тонна кир ювиш порошогининг ҳар бир тоннасини 600 сўмдан сотиб олиб, Барнаул шаҳрида тоннасини 1700 сўмдан пуллади ва бундан ғайриқонуний 22 минг сўм даромад олди.

Назоратсизлик шароитида ўз даромадларини яшираётган ва камайтириб кўрсатаётган анчагина кооперативлар бюджетга солиқ тўловларини тўламаётирлар, пул маблағларини ғайриқонуний тарзда ўзлаштирмоқдалар. Буни кузатиши, тартиб ўрнатиши керак бўлган айрим раҳбарлар эса ўзларини таъмагирлик қилиб бойиб олишдан тия олмаётирлар.

Самарқанд область ижроия комитетининг план комиссияси ҳузурида ўтган йил августидан бери ишлаб келаётган «Мисль» кооперативига область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область план комиссиясининг раиси У. И. Нуруллаев, область план комиссияси раисининг ўринбосарлари Б. Х. Шодиев, Т. Н. Толибов, Ф. Ф. Ҳакимжонов, область ижроия комитети молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. Б. Уматов, область статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Н. Тоғаев, область агробанки раиси Я. С. Сайфитдинов аъзо бўлиб киришган.

Кооператив аслида ўзининг бевосита хизмат вазифалари йўли билан область план комиссияси ва областнинг бошқа молия ташкилотлари шуғулланиши керак бўлган масалаларни ҳал этаётир. Шунисси қизиқки, кооператив ишининг кун тартиби область план комиссиясининг иш режимига тамомила мос бўлиб тушади. Образли қилиб айтадиган бўлсак, область план комиссиясининг ходимлари айни пайтда иккита курсида — давлат ва кооператив курсида ўтириб, ҳар иккала ташкилотдан иш ҳақи олаётирлар.

Кооператив яқинда Самарқанд кондитер фабрикаси, нон комбинати, «Облрембиттехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва область кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти билан каттагина суммага бир қанча шартномалар тузди. Хизматнинг ҳар хил турлари учун, тақрор айтаманки, иш вақтида бажарилган ва ўз вазифалари доирасига кирадиган хизматлари учун область план комиссияси раисининг ўринбосарлари Т. Н. Толибов ва М. Н. Фатуллаев, бўлим мудири С. А. Ашурова 500-600 сўмдан ҳақ олишган.

Хўш, нима учун шундай бўлаётир, давлат муассасаларининг ходимлари иш вақтида кооперативда ҳам меҳнат қилиб, бунинг учун яна қўшимча ҳақ олсинлар, дей қаерда айтилган? Бу қўпол олғирлик ва давлатни алдашдан бошқа нарса эмас.

Афсуски, республика Госплани раисининг ўринбосарлари М. Д. Мухортов ва О. Г. Пшеничний, бўлим бошлиғи Е. К. Слепков, «Экономика и жизнь» журналининг бош редактори Ю. И. Слашчинин, Госстрой план-иқтисод бошқармасининг бошлиғи В. Э. Сташис ҳам ана шундай қалтис йўлга қадам қўйдилар.

Республика бўғинининг юқорида номлари тилга олинган раҳбарлари гўё кооперативларга кадрлар тайёрлаш учун «Менежер» кооперативини ташкил қилдилар, ҳақиқатда эса давлат корхоналарининг бошқарув ходимларига таълим берадиган турли-туман курсларни ташкил қилиш ҳисобига даромад олиш йўлларини излай бошладилар.

Бу кооператив Жиззах, Тошкент ва Оҳангарон шаҳарларида мана шундай курслар ташкил қилди. Ҳар бир тингловчи учун корхоналарнинг маблағидан 350 сўмдан 450 сўмгача ҳақ ундириб олинди. Кооперативларнинг оила аъзолари ҳам пул ишлаб олишга жалб қилинди. Ю. И. Слашчинин кооперативнинг раиси мавқеидан фойдаланиб, унинг ишига ўз хотини ва ўғлини жалб қилди. Унинг оиласи кооперативда ишлаган 4 ой мобайнида 7,2 минг сўм даромад олди.

М. Д. Мухортовнинг хотини ва қизи кооперативда ҳамкорликка тортилди, кеёви А. А. Могутнов ҳам шу кооперативда ишлади, улар 2997 сўм пулни иш ҳақи тарзида олдилар, О. Г. Пшеничнийнинг рафиқасига бир галги ишни бажарганлиги учун 2642 сўм тўланди. Командировка харажатлари учун йўл ҳақидан ташқари ҳар кундузга 30 сўмдан тўланди. Айни вақтда кооперативда қўпол молиявий бузишларга йўл қўйилди.

М. Д. Мухортов, О. Г. Пшеничний, Ю. И. Слашчинин ва бошқалар ўз хатти-ҳаракатлари билан аслида ғайриқонуний бойлик орттириш йўлига ўтиб олдилар, шунинг учун партиявий жавобгарликка тортилдилар. Республика Министрлар Совети уларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиб, тўғри иш қилди.

Хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, порахўрликнинг бошқа фактлари ҳам бор. Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. Саъдуллаев бинони ижарага топширганлик учун кооператорлардан минг сўм пора олганлиги сабабли яқинда қамоққа олинди.

Бир қанча ҳолларда маҳаллий органларнинг йўл қўйиб бериши, ландовурлиги ва хўжасизлиги ашаддий муттаҳамларнинг кооператив ҳаракатига кириб олиб, унинг обрўсини тўкишларига имкон бермоқда. Масалан, Янгиер шаҳрида Абиев деган кимса собик раис Бибаллаевнинг бепарволигидан фойдаланиб, гўё салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган «Холодок» кооперативини тузди. Бироқ, айтишларича у ҳеч кимни ичимлик билан меҳмон қилмай, концерт фаолиятида воситачилик билан шуғулланди, стадионда оммавий тартибсизлик чиқишига сабаб бўлди, давлатдан қарзга олинган 10 минг сўм пулни киссасига уриб, ғойиб бўлди.

Хуллас, кооператив ҳаракатида бошланган стихиялиликка ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Ҳамма иш қонунларга қатъий мувофиқ бўлиши ва буни қаттиқ назорат қилиб туришни таъминлаш керак, бу— бизнинг энг муҳим бурчимиздир. Бу иш қаердаки фойда келтираётган бўлса, унга ҳар томонлама ёрдам бериш ва уни рағбатлантириш керак, қаердаки алдамчилик, чайқовчилик, бойлик орттириш ружу қилиш пайқаб қолинса, бунинг йўлига ғов қўйиш ва тартиб ўрнатиш керак.

Қуйидагиларга ҳам эътиборни қаратиб ўтмоқчиман. Илмий хизматни яхши йўлга қўймай туриб, халқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Бу эса актив фан-техника сиёсати ўтказишни, интенсивлаш жараёнларини илмий асослашни кучайтиришни ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни талаб қилади. Жадаллаштириш программасининг масъулиятли вазифалари Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқ таълими министрлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Соғлиқни сақлаш министрлиги, бошқа министрликлар ва идоралар-нинг таркиб топган фаолият йўналишларини ва илмий муассасаларнинг ролини тубдан қайта кўриб чиқишни, олимларнинг куч-ғайратларини регионал ва республика халқ хўжалиги муаммоларини ҳал этишга оид фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш марказлаштириш ва жамлашни талаб қилади. СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси билан келишиб туриб, республикада фан-техника потенциалини оширишни жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва шу ишларнинг даражасини анча кўтариш тадбирларини келишиб олиб, амалга ошириш лозим.

III.

Ўртоқлар!

Юқорида мен ҳозир партиянинг сиёсий иродаси ва амалий фаолияти қайта қуришга ишонч ҳосил қилган меҳнаткашларнинг жўш уриб турган қудратли ташаббуси билан қўшилаётгани ҳақида гапирдим. Аммо жамиятни революцион янгилашга қаратилган бу муддао мафкуравий ишнинг ўтмиш йилларида қарор топган ва ҳозиргача яшаб келаётган оз самарали шаклларига ҳали ҳам зид бўлиб турибди. Кундалик турмушда биз баъзи партия ташкилотларининг, совет органларининг, партия ва идеология кадрларининг замон руҳида ҳаракат қилишга, экономикадаги, социал ва маънавий соҳалардаги туб ўзгартишлар учун бошланган халқ ҳаракатига бошчилик қилишга уқувсизлиги, баъзан эса қобилиятсизлигини кўриб турибмиз.

Тўғри, ҳозир партия комитетлари, идеология ташкилотлари, партия ходимлари кенгайиб бораётган демократия ва ошкоралик вазиятида янгича ёндашувларни тобора кўпроқ даражада эгаллаб олмоқдалар. Идеология ишида янги, реал аҳволни тушуниб олиш бошланди, деб айтиш мумкин. Шу билан бирга бу соҳадаги ишларнинг аҳволи хусусида жиддий равишда хавотирланмасдан бўлмайдиган вазият вужудга келди. Ҳозирги вазият жуда мураккаб. «Вазифа айни шундан иборатки, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумида, — партия халқнинг ижтимоий фаоллиги ошиб бориши жараёнига бошчилик қилиши, ташаббускор бўлиши ва халқнинг социалистик жамиятни революцион янгилаш манфаатлари, қайта қуриш манфаатлари йўлидаги бунёдкорлик янгиликларини мустаҳкамлаши лозим».

Идеология ишининг одамлар кундалик эҳтиёжларидан, уларнинг конкрет талаблари ва манфаатларидан ажралиб қолганлигига энди асло тоқат қилиб бўлмайди. Кўпгина ходимларимиз жонли мулоқотдан бўйин товлай бошладилар, ошкора мунозаралларда қатнашмаяптилар. Ҳатто Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, министрлар, йирик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам меҳнат коллективларига, студентлар орасига истар-истамас бормоқдалар, бундай вазиятда ўз муассасаларининг ходимлари ҳузуридагина сўз-нинг бепарволигидан фойдаланиб, гўё салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган «Холодок» кооперативини тузди. Бироқ, айтишларича у ҳеч кимни ичимлик билан меҳмон қилмай, концерт фаолиятида воситачилик билан шуғулланди, стадионда оммавий тартибсизлик чиқишига сабаб бўлди, давлатдан қарзга олинган 10 минг сўм пулни киссасига уриб, ғойиб бўлди.

Шундай қилинса осойишталиги бўлиши шубҳасиз, аммо энди бундай қилиб бўлмайди. Ҳар қандай раҳбарнинг одамлар билан ишлашида фақат битта йўл бор; у ҳам бўлса одамлар ҳузурига боришдир. Замоннинг амри мана шундай. Одамлар министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини кўришни, улар билан учрашиб, муносиб қилишни ҳоҳлайдилар. Муштарак манфаатлар ва ўткир муаммолар заминида улар тез бирлашиб, бизни фаол ҳаракат қилишга таклиф этмоқдалар, бу иш фаол ўтаётган бўлса ҳам, аммо ҳамиша ҳам силлиқ ва осойишта бўлаётгани йўқ, албатта.

Ҳозир республикада 350 тадан кўпроқ турли жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмалар бор, уларнинг сафида ўн минглаб киши қатнашмоқда. Марказий Комитет махсус қарор қабул қилиб, мана шу жамоат ташкилотларига ўз муносабатини белгилаб олди. Умуман олганда улар социал-иқтисодий ва маънавий турмушнинг турли муаммоларини амалий ҳал қилишда партияга кўмаклашишга интилаётган нормал, соғлом ҳаракатдир.

Бироқ, фаолликка соғлом кучларгина эмас, бошқача тарздаги кучлар ҳам қўшилаётганини айтиб ўтмоқ керак. Айрим ташаббускор тузилмаларда ўзларининг манфаатпарастлик, ғаразли ва гуруҳбозлик мақсадларини революцион иборалар ва шиорлар билан ниқоблаётган ном чиқаришга интилувчи бир талай кишилар пайдо бўлди, уларнинг қонунлар билан, амалий иш билан, тартиб-қоида билан ва ҳатто ўзлари бақириб-чақириб талаб қилаётган демократиянинг ўзи билан ҳам ҳеч қандай иши йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро мажлиси тўғрисида яқинда эълон қилинган хабарда ўзини «Бирлик» деб атаётган мана шундай норасмий уюшмалардан бирига баҳо берилди. Ўзбекистоннинг моддий, табиий ва маънавий бойликларининг қандайдир бирдан-бир ҳимоячиси бўлиш ролини даъво қилаётган сохта раҳбарларнинг оҳангжамоли баёнотлари, вужудга келган практикани ўйламайнетмай инкор қилишлари бир қарашда туюлганидек, беозор гап-сўзлар эмас. Бу ҳолда мамлакатдаги ва республикадаги вазият тўғрисида бир ёқлама, кўпинча бузиб ва сохталаштириб талқин этилаётган тасаввурларни фаол тарғиб қилиш натижасида миллий белгига қараб одамларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш тобора тез-тез намоён бўлаётганини рўй-рост айтмоқ керак.

Яқинда Самарқанд университетида, шунингдек, Нукусда, Жиззахда «Бирлик» номидан имзо чекилган ошкора миллатчилик даъватлари ёзилган варақалар пайдо бўлди. Бу уюшманинг ишбошилари мана шундай ҳаракатларга алоқалари йўқлигини айтмоқдалар. Аммо миллий кибр-ҳаво руҳи билан суғорилган уруғ, уни сепувчиларнинг иродасидан ташқари ҳам ҳозирдаёқ заҳарли ўсимлик бўлиб униб чиқаяпти. Масалан, ҳозир республикадаги ҳамма ишларни фақат шу манба ёрдамида қоралашга уринаётган чет элдаги «Озодлик» қарнайининг бир ўзи не-не ишларни қилмаяпти, дейсиз.

«Ўзбекистон ёшлари эркин уюшмаси» деб аталган уюшманинг активлари одамларни сиёсий ва социал сафсатабозлик йўлига тортишга уринмоқдалар. Очиқдан-очиқ Советларга қарши платформа билан майдонга чиқаётган машъум «Демократик иттифоқ»ни қўллаб-қувватловчи группалар тузишга уринишлар бўлмоқда.

Мана шундай шароитда коммунистлар митинг ва йиғилишларда индамай ўтиришларига, баъзан эса турли-туман бақириқ-чақириқли баёнотларни қўллаб-қувватлаб, енгил обрў орттириш истагини намоён этаётганликларига йўл қўйиб бўлмайди. Яқинда Термиз педагогика институтида четдан келган ташвиқотчилардан бири студентлар ва профессор-муаллимларнинг йиғилишини уюштиришга муваффақ бўлибди. Ёшларга мураббийлик қилаётган баъзи ҳурматли зотлар миллатчилик руҳи анқиб турган ваъзларни маъқуллаб бош силкитиб-гина қолмай, балки, масалан, институт партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Ю. Валиқулов шубҳали баёнотларни қўллаб-қувватлаб чиқди.

Афсуски, бошқа олий ўқув юртлари ва техникумлардан, шунингдек, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг базъзи институтларидан шунга ўхшаш бир талай фактларни келтириш мумкин.

Янглишган айрим кишининг хато фикрлари асло ташвишга солаётгани йўқ. Бир қанча раҳбарлар, коммунистлар, шахсий суҳбатларда ҳаллан ошаётган фикрларни ва масъулиятсизларча чақириқларни гўё қоралосалар ҳам, иш ошкора мунозарага, қайта қуриш манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигига бориб тақалганида, уларнинг айримлари бамисоли «тортинчоқлик» дардига мубтало бўлиб қолишлари кишини ажаблантиради.

Бундай ёндашилган тақдирда, бундай сиёсий «тортинчоқлик» шароитида мухолифлар оқилона ва муносибона чегаралардан ўтиб, гиж-гижловчи талабномалар тўпланаётганликларини, ҳатто болаларнинг қинғир-қийшиқ қилиб ёзишларидан фойдаланишдан ҳам хазар қилмаётганликларини сергаклик билан пайқаб олишимиз керак. Мана шундай талабномаларга қўл қўйишдан бош тортган кишилар кўпинча қувғин қилинаётганлиги, улар атрофида чидаб бўлмайдиган муҳит вужудга келтирилаётганлиги, миллий манфаатларга хиёнат қилиш ва меншимай қараш каби айблар қўйилиб, ҳатто дўқ-пўписага ўтилаётганлиги ҳам маълум. Одамлар бизга шу ҳақда ёзаётганликлари, ҳимоя қилишни сўраётганликлари учун ҳам шу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам муаммоларимиз жуда кўп. Кўпчилик кишилар буни тушунадилар. Баъзи муаммолар ҳал этилмоқда, баъзилари навбат кутиб турибди, баъзи муаммолар эса жойлардаги сусткашлик оқибатида ҳал этилмай турибди. Ўтмишнинг дардисар юки ҳам, республиканинг ҳозирги куни ва аниқса, келажаги учун масъулият ҳам бизнинг гарданимизга тушмоқда. Истагимиз нақадар порлоқ бўлмасин, ҳеч биримиз эртагаёқ ҳамма нарса жойига тушиб кетишини ваъда қила олмаймиз.

Бироқ, партия ташкилотлари, идеология ходимлари мана шу мушкулотларнинг ҳаммаси мавжудлигини тан олсалар ҳам ҳозир бизга зарур бўлиб турган нарсаларни: маблағ, ресурсларни, ишчанлик, яхши ишлаш маҳорати, интизом, тартиб ўрнатиш воситаларини қидиришда сусткашлик қилмоқдалар.

Марказий Комитетнинг, Олий Совет Президиумининг, ҳукуматнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳақиқий ишлари ва режаларидан одамлар ҳали ҳам яхши хабардор қилинмаяпти. Кейинги вақтларда мунтазам матбуот конференциялари, Марказий Комитет Бюроси аъзоларининг олий ўқув юртлари ходимлари билан, фан ва маданият арбоблари, ишчилар билан учрашувлари одат тусига киритилди, норасмий уюшмаларнинг активлари билан мулоқот йўлга қўйилмоқда, уларнинг айримлари Марказий Комитет Идеология комиссиясининг ишчи группаларида, республика Олий Советининг доимий комиссияларида қатнашмоқдалар, аммо бу ишларнинг ҳаммаси ҳам изчил олиб борилмаяпти, ваъда бериш ва уни бажармаслик ҳоллари кўплаб учраб турибди.

Баъзан партия ва совет ходимларининг матбуотдаги у ёки бу нотўғри чиқиш хусусидаги шикоятлари эшитилмоқда. Афсуки, биз ҳали бундан халос бўлганимиз йўқ, ҳаддан ошишлар ҳам, ўқувсизлик ҳоллари ҳам учраб турибди. Бироқ халқ хўжалиги раҳбарлари, мутахассислари, партия активларининг ўзлари фаол ошкора мунозарага интилмаётганликларини ҳам айтмоқ керак.

Партия комитетларининг секретарлари, министрлар, ташкилотларнинг раҳбарлари сохта камтарликдан воз кечиб, телевидение ва радио орқали, газета саҳифаларида тез-тез чиқиб туришлари, халқ билан суҳбатлашишлари лозим.

Дарҳол мўл-кўлчилик бўлиб кетишини ваъда қилиш талаб қилинмайди. Аммо одамлар ҳузурида ҳатто энг ёқимсиз саволга ҳам айёрлик қилмай, партиявий ҳалол жавоб қайтариш, энг муҳими эса одамларга берган сўзнинг устидан чиқиш зарур.

Матбуотга келганда, у билан тил топишиш, моҳирона, оқилона ва амалий асосда ҳамкорлик қилиш лозим. Матбуот одамларнинг онгида экономика ва социал турмушдаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида тўғри тасаввурни шакллантиришга интилиши лозим бўлганидек, партия ва хўжалик активлари халқ билан бевосита мулоқот қилишга тайёр ва шундан манфаатдор бўлишлари керак.

Қайта қуриш шундай вазиятни вужудга келтирдики, энди ҳеч ким жамоатчилик фикрини писанд қилмаслиги мумкин эмас. Бундан сабоқ чиқариб олишни ўрганиш, жамоатчилик фикрига қулоқ солиш, одамларни эргаштириб бориш лозим. Ҳозирги яна бир фавқулодда мураккаб социал соҳа—диний вазиятда ҳам шундай ёндашув тўғри йўлни тутиб олишимизга ёрдам беради.

Демократиялашни янада чуқурлаштириш жараёнлари ижтимоий онгнинг бу муҳим соҳасини четлаб ўтолмас эди. Давлат билан черковнинг ўзаро муносабатларида маъмуриятчилик усуллари барҳам топди, турли-туман айблашлар ва сунъий чеклашлар олиб ташланмоқда.

Масалан, 20 тадан ортиқ янги мусулмонлар уюшмаси расмий равишда рўйхатга олинганлиги, бир қанча диний муқаддас жойлар ва иморатлар уларга берилганлиги, руҳонийлар фаол ижтимоий-сиёсий турмушга жалб этилганлигини диндорлар маъқуллаб кутиб олишди.

Айни вақтда партия ва Советларнинг виждон эркинлиги принципларига хайрихоҳлик муносабатини баъзи бировлар ҳокимият органларининг муайян ён беришларига эришиш, социализмдан давлатнинг даҳрийлик табиатини қисиб қўйиш имконияти деб билмоқдалар.

Партия комитетлари идеология муассасалари, аҳолини даҳрийлик руҳида тарбиялашни кучайтиришлари, Советлар эса дин тўғрисидаги қонунларга қатъият билан риоя этилишига интилишлари керак. Бизнинг бу соҳадаги айрим номақбул тартиббузарликларга бепарво қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Бу соҳада бошқа ҳар қандай ишда бўлганидан кўра ҳам соғлом ақл-идрок, вазмин мулоқот ва ишонтириш усули зарур, шу билан бирга қонунларни бузиш ҳолларига қатъият билан қаршилик қилиш ҳам керак.

Андижон, Самарқанд, Наманган областларида баъзи диндорлар қонунларни бузиб, биноларни мачитга айлантириш учун ўзбошимчалик билан босиб олишга уринганликларига йўл қўйиб бўладими, ахир.

Бизнинг позициямиз жуда равшан бўлиши керак. Бутун ишни СССР Конституциясида гарантиялаб қўйилган виждон эркинлигига қатъий риоя қилиш асосига қуриш, барча меҳнаткашларни, шу жумладан, диндорларни ҳам қайта қуриш вазифаларини ҳал этиш теварагига жипслаштириш лозим.

Демократиялаш шиорлари остида яна аёлларга паранжи ёпинтиришни, диний омилни ўзбек халқи бутун ҳаёти ва турмуши тарзига айлантиришни таклиф қилаётганларнинг фикрига ҳеч қачон қўшилмаслигимиз ҳаммага равшан бўлиши керак.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, идеология муассасалари атеистик тарбиянинг ҳамма воситалари ва шаклларини чуқур мазмун билан бойитишлари, одамларга таъсир ўтказишнинг группавий ва шахсий шаклларидан мақбул тарзда фойдаланиш йўлларини топишлари керак.

Бизнинг фикримизча, бу ишда, шунингдек, фаол ахлоқий позицияни, юксак сиёсий маданиятни шакллантиришда фан ва маданият соҳасидаги коммунистлар кўп иш қилишлари лозим. Ваҳолонки, зиёлиларимизнинг каттагина қисми ҳамон рўй бераётган жараёнларни тушунтириш ҳамда қайта қуришнинг тақдири учун одамларнинг гражданлик масъулиятини ошириш юзасидан фаол иш олиб боришдан четда қолмоқдалар.

Ҳар бир коллектив, район, шаҳардаги сиёсий вазият учун коммунистлар масъулиятини ошириш керак. Бу муаммоларни бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилиш зарур бўлиб қолди, бу ҳақда Марказий Комитет Бюросининг қарори ҳам қабул қилинди. Ҳозирги вазиятда партия комитети ўзини қандай тутиши хусусида бирор андоза ва йўл-йўриқлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аҳвол принципиал, партиявий асосда ниҳоятда мустақил ва қатъий ҳаракатлар қилишни талаб этади. Бунда нима қилиш кераклигини юқоридан бериладиган кўрсатмалар эмас, балки ҳар бир кишининг партиявий виждони ва фаол гражданлик позицияси белгилайди.

Кейинги пайтларда биз ишчи коллективларининг таъсири сингари идеология ишининг энг муҳим резервини эътибордан четда қолдирдик. Ҳал қилувчи гапни, ўтмишда бўлганидек, ҳозир ҳам ишчилар синфи айтиши керак. У партиянинг умуртқаси, бинобарин ана шу мураккаб пайтда ҳам у, шубҳасиз, партиянинг принципиал йўлини қўллаб-қувватлайди. Шу боисдан биз ёшлар орасидаги, зиёлилар орасидаги ишни сусайтирмай меҳнат коллективларини асосий таянчимиз деб билишимиз керак. Ўзини либерал қилиб кўрсатмоқчи бўлган турли хилдаги тарғиботчилар ва миллий маҳдудлик тарғиботчиларини завод ва фабрикаларнинг меҳнат коллективларига кўпроқ ғайрат билан дуч келтирайлик, чунки бу коллективларда қоявий-маънавий ва интернационалистик анъаналар қуруқ гап эмас, балки жонли тимсолдир.

Ҳаммамизни, жамоатчиликни жиноятчиликнинг ўсаётганлиги жиддий ташвишга солаётир. Республикада ана шу масалаларда ташвишли вазият вужудга келганлиги КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ҳақли равишда айтиб ўтилди. Қасддан ўлдиришлар ва оғир тан жароҳатлари, зўрлаш, куч ишлатиб тунаш, талончилик, шахсий ва давлат мулкини ўғирлаш ҳоллари кўпайди. Қорақалпоғистон АССРда, Фарғона, Самарқанд областларида вазият айниқса кескинлашди. Барча жиноятларнинг учдан бир қисми Тошкент шаҳрида рўй бераётир.

Республика ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари демократия шароитида малакали ҳаракат қилишга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. уларнинг кўпларида омилкорлик, юксак профессионализм, принципиаллик ва масъулият етишмайди. Республика Прокуратураси, Ички ишлар министрлиги, суд ва юстиция органлари аҳволни дарҳол ўнглаб олишлари, чинакам демократия доирасида жиноятчи унсурларга эса ҳеч қандай шафқат бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутган ҳолда иш кўришлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, кейинги пайтларда жамоатчиликнинг фаоллиги ҳам кескин камайди, кўпгина кўнгили халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, профилактика кенгашлари, таянч пунктлари ўз ишларини йиғиштириб қўйишди, Ваҳолонки, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари соғлом ижтимоий кучлар мададига таянмасалар жиноятчиликка қарши курашда муваффақиятга умид боғлаш қийин.

IV.

Ўртоқлар!

Қайта қуриш тақдири, республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг кенг миқёсли вазифаларини амалга ошириш, меҳнаткашлар фаравонлигини ўстириш учун бутун масъулият партия комитетлари ва ташкилотлари зиммасига тушади. Партиянинг келажагигина эмас, шу билан бирга унинг обрў-эътибори ҳам оммани ўзага келаётган ташаббусига уларнинг бошчилик қила олиш, одамлар кучғайратини ишлаб чиқариш ва жамоат турмушининг барча соҳаларида уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашга қарата билиш маҳоратига боғлиқдир.

Партия ходимлари, барча кадрларимиз янги шароитда тажриба орттира бориб, қийин мактабни ўтмоқдалар.

Бугунги кунда биз иш услуби ва методлари ҳозирги талабларга тўла даражада мувофиқ келадиган партия комитетлари бор, деб айтишимиз қийин. Аммо айни пайтда партия комитетларининг кўпчилиги янгича ишлашга интилаётганлиги сезилиб турибди.

Чунончи, Тошкент ва Қорақалпоғистон область партия комитетлари, уларнинг бюролари асосан активларга, одамлар билан кенг кўламда маслаҳатлашишга таяниб, ўз ишларини дадил бошланғич ташкилотлар ва меҳнат коллективларига ўтказмоқдалар. Бухоро, Хоразм область партия комитетларининг инсон тўғрисида, социал муаммолар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлиги сезилиб турибди. Одамлар ўз фикрларини тинглашаётганини, бирмунча ташаббускорлик билан ишлашаётганини кўриб турибдилар ва ҳис этмоқдалар.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, республика даражасидаги, шунингдек жойлардаги кўпгина раҳбарлар таркиб топган эскича услуб-ларга қийинчилик билан барҳам бермоқдалар, воқеаларга ва ўз фаолияти натижаларига баҳо беришда дадиллик, қатъият кўрсатмаяптилар.

Кейинги вақтларда Андижон область партия комитети бюросининг, унинг биринчи секретари М. М. Орипжоновнинг иш услуби бошланғич ташкилотлар билан суст алоқа боғлаганлиги учун бир неча бор кескин танқид қилинди.

Тўғри, коммунистлар унга ишонишади, халқ уни депутат қилиб сайлади, бироқ Маҳмуд Маърипович жиддий хулосалар чиқариб олиши керак. Областда кўпгина муаммолар ҳал этилиши у ёқда турсин, балки тўпланиб қолмоқда ва кескинлашмоқда. Беш йилликнинг уч йили ичида область қишлоқ хўжалик маҳсулоти асосий турларини етиштириш топшириқларини уддалай олмади. Областда маънавий-психологик вазият ҳам ғоят кескинлашган. Партия комитетининг қатъиятсизлигини, унинг активлари орасида жипслик йўқлигини сезган ғайрисоциал унсурлар оммага таъсирни кучайтирмоқдалар.

Марказий Комитет Бюроси Самарқанд область партия ташкилотидаги ишларнинг аҳволидан жиддий ташвишланмоқда. Биз областнинг ҳозирги раҳбариятига оғир мерос қолганлигини тушунамиз, аммо шунга қарамай ишларнинг аҳволи суст ўнгланмоқда. Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш тобора пасайиб бормоқда. Социал соҳани ривожлантиришдаги қолоқлик уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планлари бажарилмаётганлиги билан янада кескинлашмоқда. Яна ўша сабаблар ўз таъсирини кўрсатмоқда. А. С. Икромов, область партия комитети бюросининг бошқа аъзолари етилган вазифаларни ҳал этишда кўпроқ ташаббус ва қатъият кўрсатишлари, бунда активларга таянишлари лозим.

Меҳнат коллективларига, одамларга ҳаммадан кўра яқинроқ турган, ҳамиша назарда бўлган шаҳар ва район партия комитетлари қайта қуришни таъминлашда муҳим, айтиш мумкинки, энг асосий роль ўйнайдилар.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Бошн иккинчи ва учинчи бетларда).

уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, жойларда конкрет вазифаларни ҳал қилишларини тақозо этади. Биз бугунги кунда Марказий Комитетдан тортиб район партия комитетларигача барча партия комитетларининг асосий вазифаси айни мана шундан иборат, деб биламиз.

Биз бугунги кунда халқ орасида, қайта қуришнинг энг қизғин жабҳаларида бўлган бошланғич партия ташкилотларининг имкониятига асло етарли баҳо бермаяпмиз. Бошланғич партия ташкилотларининг ҳар иккитасидан бири бутунлай пассив иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятларини жонлантирмай, 600 мингдан ортиқ коммунистлар активлигини тегишли даражада оширмай туриб, биз жамиятни янгилаш вазифаларини ҳал эта олмаймиз.

Шу муносабат билан қуйи партия бўғинларининг жанговарлик қобилиятини ошириш масаласини алоҳида ажратиб кўрсатишни истардик. Бир қанча областларда бу борада, масалан Фарғона областида жанговарлик кўриги, Тошкент областида коммунистларни аттестациядан ўтказиш тажрибаси бор. Мана шу областларда активлик, ташаббускорлик ва коллектив иши учун масъулият сезиларли даражада ошмоқда.

Бошланғич ташкилотлар бугунги кунда вазиятни яхши билишлари, ишларга баҳо беришда омилкорлик билан муросасизликни узвий боғлашлари, ташаббус кўрсатишлари, коллективларда маънавий-психологик муҳитни шакллантиришга фаол таъсир ўтказишлари, одамларни жипслаштира олишлари керак. Бунда уларга ёрдам бериш эса ҳар бир партия комитетининг бурчидир.

Бошланғич бўғинлар ва умуман республика партия ташкилотининг жанговарлик қобилияти ҳозирги пайтда кўп жиҳатдан янги кучларнинг келиб қўшилишига боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилотига оид қарори қандай бажарилаётганлигини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг КПСС сафига қабул қилишни демократиялаш тўғрисидаги йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришда сусткашлик қилмоқдалар. Улар қайта қуришнинг актив курашчиларини партияга танлаб олиш ўрнига расмиятчиликнинг эскича йўлидан бормоқдалар. Натижада республика партия ташкилотининг сифат состави эскириб, ёмонлашаётганлигини, унинг сафларида ишчилар синфи вакиллари камайиб бораётганлиги сезилмоқда.

Партия ҳужжатларини топшириш ҳоллари тез-тез рўй бераётганлиги ва айтиш мумкинки, партия комитетлари секретарлари, уларнинг кўпдан-кўп активлари ички партия турмушидаги мана шу фавқулодда воқеаларга бефарқ муносабатда бўлиши фактлари бизни ташвишлантирмоқда. Бундай фактлар аввало ана шу партия ташкилотларида ишларнинг аҳволи яхши эмаслигидан, коммунистлар билан якка тартибда олиб борилаётган ишлар паст даражада эканлигидан, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари назар-писанд қилинмаётганлигидан далолат беради.

Партия комитетлари мана шундай ҳар бир ҳолатни пухта таҳлил этиб, уларнинг олдини олиш юзасидан таъсирчан чоралар кўришлари зарур. Энг муҳими эса ишни шундай ташкил этишлари керакки, ҳар бир коммунист диққат марказида бўлиши ва қайта қуришда ўз ўрнини топиши, партия йўлини принципал ўтказиши лозим.

Қайта қуриш бутун кадрлар ишини демократиялашни қатъиян талаб этади. Бир қанча партия комитетлари кадрларни ошкора кўтариш ва резерв тузиш, раҳбарларни конкурсли, беллашув асосида сайлаш соҳасида тажриба тўпламоқдалар.

Партия комитетлари кадрлар билан олиб бориладиган ишларда асосий эътиборни кадрларни ўрганишга, улар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини аниқлашга, партия комитетининг позициясини ишлаб чиқишга ва унинг тавсияларини коммунистлар орқали, ишонтириш, тарғибот йўли билан, далил-исботлар асосида амалга оширишга қаратишлари зарур. Кадрлар ишида кенг ва тўла ошкоралик таъминланиши лозим.

Бу биринчи галда кадрлар резервига таллаётгандир. Резервдаги кадрларни конкрет лавозимларга қаттиқ боғлаб қўйишдан, уларни устун даражада ходимлар тарзида шакллантиришдан қочиш зарур. Сирдарё ва Бухоро область партия комитетларида ана шундай тажриба мавжуд. Бугун Марказий Комитет пленумида биз республика даражасида кадрлар резервни тўғрисидаги таклифни ўртага қўямиз. Бу ҳам кадрлар сиёсатини такомиллаштиришда бизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Яна бир нарса — одамларга муносабат тўғрисида гапирмоқчиман. КПСС Марказий Комитети Пленумида топширилган иш учун коммунист ходимларга нисбатан талабни кучайтириш зарурлиги тўғрисида айтиб ўтилди. Ҳамма жойда одамларга нисбатан бепарволик, эътиборсизлик фактларига муносиб баҳо берилмаётганлигини, раҳбарлар мурожаат қилувчиларга нохуш воқеа сифатида муносабатда бўлаётганлигини нормал ҳол дейиш мумкинми.

Қашқадарё, Сурхондарё областлари партия комитетлари, республика Алоқа, Савдо, Соғлиқни сақлаш министрликлари, Олий суди раҳбарларининг ҳузурига кириш қийинлигидан кўпчилик шикоят қилмоқда. Кўпинча одамларни қабул қилиш ўртага қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлмаган шахсларга ишониб топширилади. Марказий Комитетга қилинган мурожаатларнинг 70 процентдан кўпроғи маҳаллий органлар ҳал этиши лозим бўлган ва одамларни тўлқинлантираётган масалалар бўлиб, улар уй-жой шароитини яхшилаш, савдодаги узилишлар, транспортнинг яхши ишламаётганлиги, конкрет мансабдор шахслар йўл қўяётган суиистеъмолчиликлар билан боғлиқдир. Одамлар ўзлари ўртага қўяётган масалалар адолатли ҳал этилишидан умидни узиб, кейинги вақтларда норозилик билдиришнинг ўткир шаклларини, ҳаддан ташқари кескин кўринишларини қўллана бошлаганлиги, айниқса ташвишлидир.

Бугунги кунда республика партия ташкилотининг муваффақиятли фаолияти унинг сайлаб қўйиладиган органлари қандай ишлашига айниқса боғлиқдир. Умуман олганда мана шу ғоят масъулиятли иш эндигина бошланяпти. Биз сизлар билан биргаликда ҳамма жойда партия комитетларининг тегишли комиссияларини туздик. Улар партия ташкилотларининг чинакам тенг ҳуқуқли доимий ишлайдиган раҳбар органлари бўлишлари зарур. Ана шу комиссиялар составига тажрибали коммунистлар киритилди. Биз улар фаол иш олиб бориб, ҳар бир партия комитетида ишчанлик, талабчанлик, сўз билан иш бирлигини таъминлаш вазиятини вужудга келтирадилар, деб умид қилишга ҳақлимиз. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидланганидек, уларнинг ҳар бири партия ишининг конкрет соҳаси учун, айниқса партия қарорлари қандай бажарилаётганлиги учун шахсан жавобгар эканлигини ҳис этиши лозим.

Бугун пленумда ташкилий масалалар ҳал этилиши сизларга маълум. Республика партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органларининг пенсияга чиққан, республикадан ташқарига кетган бир қанча аъзолари ўсиб бораётган вазифаларни тўла ҳажмда бажариш қийин бўлаётганлигини айтиб ваколатларини соқит қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар. Биз бу ишга эътибор билан ёндашишимиз, кучларимизни тўғри қайта группалашга, уларнинг амалий имкониятини оширишга ёрдам берадиган қарор қабул қилишимиз лозим.

Биз республикада қайта қуриш қийин кечаётганини, афтидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг Бюроси, Секретариати, бўлимлари ишида ҳам нуқсонлар борлигини тушуниб турибмиз. Пленум қатнашчилари ана шу масалалар юзасидан ўз фикрларини рўйрост айтсалар тўғри бўлур эди. Биз вазиятни англаб, кучларимизни бирлаштирган тақдирдагина халқ олдидаги ўз бурчимизни, республика меҳнаткашларининг сиёсий авангарди сифатидаги ўз ролимизни бажара оламиз.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Давоми. Бошн 1-бетда).

турларини бажарганликлари учун М. Д. Мухортов, О. Г. Пшеничний, Ю. И. Слашчининнинг яқин қариндошларига кўп миқдорда пул тўланди. Кооперативнинг амалдаги даромад миқдорини анча камайтириб кўрсатиш ҳоллари ва бошқа бир қанча қонунқоидаларнй бузишлар содир бўлди.

Самарқанд область ижроия комитети план комиссияси ҳузурида ҳам 1988 йилнинг август ойида худди шунга ўхшаш «Тафаккур» кооперативи очилди. Бу кооперативга область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область план комиссиясининг раиси У. Н. Нуриллаев, унинг ўринбосарлари ва айрим бўлимларнинг бошлиқлари, областдаги бошқа бошқармаларнинг мансабдор кишилари аъзо бўлиб кирдилар. Хизмат бурчига кўра, корхоналар ва ташкилотларга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг оқилона формаларини танлаб олишда, норентабел бўлиб қолишда, ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказишда ёрдам бериш ўрнига, бу раҳбарлар кооператив учун қўшимча даромад топиш йўлига ўтдилар, кейинчалик бу даромадлар ўзаро бўлиб олинди.

Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Сирдарё, Фарғона областлари ва бошқа областлардаги бир қанча хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг кооперативлар фаолиятида бевосита иштирок этаётгани ҳақида фактлар бор.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми раҳбар кадрлар ва давлат хизматидаги кадрларнинг, ўз хизмат вазйфасидан фойдаланиб, кооперативлар фаолиятида бевосита иштирок этишидек йўл қўйиб бўлмайдиган практикага принципиал баҳо берди ва Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосарлари М. Д. Мухортов, О. Г. Пшеничний ҳамда бўлим бошлиғи Е. К. Слепковни лавозимларидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети Ю. И. Слашчининни «Экономика и жизнь» журнали бош редактори лавозимидан озод қилди.

У. Н. Нуриллаев ҳамда Самарқанд область ижроия комитети бир қанча бошқармалари раҳбарларининг ўз лавозимларида ишлаши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидагй масалани ҳам кўриб чиқишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Молия мйнистрлигига, Ўзбекистон ССР уй-жой-социал банкига, Ўзбекистон ССР нархлар давлат комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, Тошкент шаҳар ижроия комитетига, шунингдек ҳузурида кооперативлар бўлган министрликларга, идоралар ва корхоналарга шу кооперативлар фаолияти устидан, улар асосланмаган даромадлар олишига ҳамда амалда ишлаб топилмаган пулларнинг тўланишига йўл қўймаслик устидан назоратнй кучайтириш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

МОСКВАДАН ХАТ

«ҚАЙТА ҚУРИШ ОЙНАСИ»

Москва шаҳар партия комитети идеология бўлимида «Қайта қуриш ойнаси»нинг навбатдаги сони қизғин муҳокамасининг устидан чиқиб қолдим. Дарвоқе, бу «Ойна» сатирик — карикатураларини пойтахтнинг йирик проспектлари, майдонлари, айниқса Пушкин майдонида кўп кўриш мумкин.

Бўлим ходимлари сатирик — карикатурачилар — Д. Агаев, В. Мохов ва В. Черепановлар билан маслаҳатлашар, тематик йўналишлар бўйича қизғин баҳслашишар эди. Шу вақтда беихтиёр Маяковскийнинг «РостТА ойнаси» ҳамда, Улуғ Ватан уруши йилларида чиққан «ТАСС ойнаси» эсимга тушди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбекистонлик сатирик-карикатурачиларнинг долзарб «Ойна»лари Тошкентнинг Революция хиёбони (ҳозирги Правда Востока кўчаси), Калинин майдони ва бошқа гавжум жойларда намойиш қилинган эди. Бу борада атоқли рассомлар Ў. Тансиқбоев, Л. Абдуллаев, Н. Тошпўлатов ва бошқалар ўнлаб карикатурачиларнинг жонли сатирик-юмористик расмлари: «Гитлерни ханжардан ўтказиш», «Фашист генерали юмаламоқда», «Она босқинчиларни қувади» ва бошқа мавзудаги асарлари тошкентликларни жуда тўлқинлантирган эди.

Ахир бугунги қайта қуриш — бу революцион янгиланиш экан унинг ёрқин «Ойна»си фақат Москвада эмас, балки Тошкентнинг гавжум жойларида ташкил қилинса айни муддао бўлар эди.

Сатирик — карикатурачиларимиз учун мавзулар етарли: бюрократ йўқ дейсизми, учар олиб сотарчи, манман-маҳмаданалар - чи? Хуллас, масаланинг ташкилий томони — Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи, республика рассомлар союзи ва матбуот, полиграфия, китоб савдоси Давлат комитети ишбилармон ходимларига боғлиқ.

«Қайта қуриш ойнаси» — яқинда «Правда» газетаси қайд қилганидек, Киевда ҳам ташкил қилиниб, революцион ўзгартишларга панд берувчиларни сатира тиғига олмоқда. Ўйлаймизки, Тошкент сатирачилари ҳам бу ишга кўмаклашадилар.

К. НОРМАТОВ,

• БИЗНИНГ СУҲБАТ •

«ХОТИН-ҚИЗЛАР ДУНЁ УЧУН, ДУНЁ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН»

Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ёнида яна турли мамлакатларнинг байроқлари қилпирамоқда, бу ерда турли тилларда ёзилган шиорлар кўзга ташланади. «Интурист» маданият-ахборот марказида Осиё—Тинч океани региони мамлакатлари хотин-қизлар жамоатчилиги анжумани давом этмоқда. У «Хотин-қизлар дунё учун, дунё хотин-қизлар учун» мавзусига бағишланган.

Қитъа аёлларнинг мазкур учрашуви Ўзбекистон пойтахтида иккинчи марта ўтказилмоқда. Бу гал Тошкентга жаҳондаги 20 мамлакатдан 71 жамоат ташкилотининг, шунингдек бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Мухбиримиз анжуман иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Дежи ЗАМБИН, Халқаро хотин-қизлар федерациясининг аъзоси (Монголия).

— Энг аввало бу учрашув юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлигини таъкидлашни истардим. Чунки, бутун инсонят каби аёлларимизнинг бахтли турмуш кечиришлари учун биринчи навбатда тинчлик керак, ядро уруши хавфи бартараф этилиши лозим.

Янгича сиёсий тафаккур туфайли халқаро можороларни ҳал қилишда ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бунинг яхши далилидир. Аммо жафокаш афғон юртида қон тўкиш ҳали ҳам давом этмоқда. Аёллар оталари, турмуш ўртоқлари, фарзандларидан жудо бўлаяптилар.

Халқаро хотин-қизлар федерацияси бу мамлакатга икки марта делегация юборди. Вакилларимиз афғон аёлларига моддий ёрдам кўрсатилишини уюштириш билан бирга бу ердаги аҳволни ўргандилар. Шу сафар натижасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига хат билан мурожаат этдик. Унда биз Покистондан суверен республикага қарши қўпорувчилик ҳаракатини тўхатишни талаб этдик.

Бизни Афғонистонда асир олинган совет солдатларининг тақдири ҳам ташвишлантиради. Федерациямиз ўз фарзандлари доғида куйган совет аёллари қайғусига ҳамдарддир. Совет ҳарбий асирларини қидириб топиш, уларни қутқариш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Йигирманчи аср охирига келиб ҳам дунёда очлик, камбағаллик давом этаяпти. Бу айниқса аёллар, болалар соғлиғига путур етказмоқда. Шу сабабли Халқаро хотин-қизлар федерацияси бундайларга ёрдам кўрсатиш учун 1,5 миллион доллар маблағ ажратди.

Анджали ТАЛУ КДЕР, Бангладеш «Махила Паришад» ташкилоти. Дакка шаҳар комитетининг секретари.

— Мамлакатимиз аёллари эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиш учун қатъият билан кураш олиб бораётгирлар. Хотин-қизларимизнинг кўпчилиги саводсиз. Бангладешда турмуш ночорлиги, мактаблар, боғчалар, озиқ-овқат етишмаслигини назарда тутсак, олдимизда жиддий тўсиқлар мавжудлиги маълум бўлади.

Лекин биз келажакка умид билан қараяпмиз. Биз мамлакатимизда саводсизликни тугатиш курслари ташкил этиб, уларга кўплаб аёлларни жалб этмоқдамиз. Хотин-қизлар турмуш шароитларини яхшилаш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Кейинги вақтда қуролсизланиш соҳасида реал натижаларга эришилаётганлиги бизни қувонтирмоқда, Афсуски, айрим ривожланаётган давлатлар беҳисоб муаммолар мавжудлигига қарамасдан ҳарбий харажатларга жуда кўп маблағ сарфлаяптилар. Давлатларнинг раҳбарлари халқларга ракеталар эмас, мактаблар, ўқдори эмас, озиқ-овқат кераклигини қачон тушуниб етар эканлар.

Тошкентдаги анжуманда бу масалалар ошкора муҳокама қилинаётганидан мамнунман. Аёллар тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда ҳамиша олдинги сафда бўладилар. Чунки, қайси она ўз фарзанди уруш қурбони бўлишини хоҳлайди.

Жаҳон АРА ҲАЙ, Умумпокистон хотин-қизлар ассоциацияси Карочи бўлими Бош секретарининг ёрдамчиси:

— Тошкент дўстлик шаҳри деб кўп эшитган эдим. Республикангиз пойтахти тасаввуримдагидан ҳам гўзал экан. Миллий кийимдаги ўзбек дугоналаримни кўриб ҳавасим келди. Тошкент областининг обод қишлоқлари хурсанд қилди.

Анжуманда Покистон раҳбарларининг сиёсатига оид кўп саволлар беришяпти. Шуни айтиш керакки, ассоциациямиз сиёсат билан шуғулланмайди. Биз ўз мамлакатимиз аёлларининг турмуш шароитларини яхшилашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада муайян ишлар қилиняпти, аммо муаммолар ҳам оз эмас.

Фикримча, сизларда ҳам бундай муаммолар учраб турибди. Аёлларингиз кўпроқ оғир ишга жалб қилинар экан. Биз эса аёл билимли, маданиятли бўлиши, кўпроқ бола тарбияси билан шуғулланиши керак, деб ўйлаймиз. Ўзаро учрашувлар ана шу масалаларни биргаликда ҳал қилишга кўмаклашади, тажриба алмашамиз. Яна шуни очиқ айтишимиз керак. Сиз яшаётган регионда мусулмонларнинг кўплиги мени қувонтирди.

Мая Ҳажитдиновна ШИГАЕВА, Қозоғистон давлат университети микробиология кафедрасининг мудири: Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Совет хотин-қизлар комитетининг аъзоси:

— Анжуман қатнашчилари жуда кўп ва муҳим муаммоларни кўтариб чиқмоқдалар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, экология муаммолари, қуролланишга қарши кураш уларнинг энг асосийларидир. Бу муаммоларнинг долзарблиги ва ҳаётийлиги ҳаммага маълум.

Тошкентдаги учрашув каби тадбирларнинг амалий самарасига эришиш учун менда бир таклиф бор. Ана шундай анжуманларимизга биргина аёлларни эмас, давлатни бошқараётган эркак раҳбарларни ҳам таклиф қилиш лозим. Уларга ўз талабларимизни айтишимиз, уларнинг бажарилишига кафолатларини олишимиз керак. Хотин-қизлар ташкилотларининг қатор вакилалари атом электростанциялари қурилиши билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратдилар. Улар АЭСлар қурилишини тўхтатишни талаб қилдилар. Бунга далил сифатида Чернобиль фожиасини келтирдилар.

Менинг фикримча, бу эҳтиросларга берилиш оқибатидир. Атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш халқ хўжалиги тараққиётининг омилларидан бири. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Бунда албатта атом электр станцияларининг хавфсизлиги таъминланиши шарт.

Суҳбатларни А. НОСИРОВА олиб борди.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» ОЛҒА ИНТИЛМОҚДА

● Ўз майдонида кетма-кет икки марта ғалабага эришган, ундан аввал эса сафарда тўрт имкониятдан уч очко тўплаган «Пахтакор» турнир жадвалидаги аҳволини анча ўнглаб олди ва ҳозирда 13 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Тошкентлик футболчларнинг «Таврия» командаси билан бўлган ўйини йирик ҳисобда тугади. Гарчанд биринчи бўлим бошланишиданоқ Р. Мухадов ҳисобни очган бўлса-да, узоқ вақт мезбонлар ҳужумлари яна натижа бермади. Ниҳоят иккинчи бўлимда меҳмонларнинг хатоларидан фойдаланган пахтакорчилар учта тўп киритиб, ҳисобни 4:0 қилдилар. Иккинчи бўлимда тўпларни Р. Мухадов, А. Пятницкий ва А. Абдураимовлар киритишди.

Биринчи лигада якка пешқадамлик қилаётган Марказий армия спорт клуби Ставрополда «Динамо» билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнаб, яна бир очко йўқотди. Ўнинчи турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Спартак» — АСК (Р) — 3:2, «Нефтчи» — «Металлург» — 3:2, «Динамо» (Бт) — «Котайк» — 1:0, «Кубань» — «Торпедо» — 1:2, «Қайрат» — «Нистру» — 3:1, «Геолог» — АСК «Карпати» — 3:1, «Шинник» —«Даугава» — 2:1.

Командаларнинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
МАСК	10	30—7	15
«Қайрат»	10	21—8	15
«Нефтчи»	10	13—9	14
«Пахтакор»	10	16—5	13
«Факел»	9	5—2	11
«Динамо» (Ст)	9	8—6	11
«Нистру»	10	9—11	11
«Спартак»	10	11—11	11
«Котайк»	9	12—4	10
«Металлург»	9	10—11	9
«Таврия»	9	13—16	9
«Геолог»	8	8—7	9
«Динамо» (Бт)	9	6—11	9
«Ростсельмаш»	8	8—9	8
«Кубань»	10	9—18	8
АСК (Р)	9	13—13	7
«Гурия»	7	9—7	7
«Торпедо»	8	10—14	7
«Шинник»	9	8—17	7
АСК «Карпати»	10	8—17	4
«Кузбасс»	9	2—10	4
«Даугава»	10	5—21	3

Кеча бўлиб ўтган «Гурия»—«Кузбасс» ўйини натижаси турнир жадвалида ҳисобга олинмади.

ЕШ АДАБИЁТЧИЛАР БАҲСИ

«БАҲОР» концерт залида Тошкент шаҳридаги Глиэр, Успенский, Ҳамза номли музика мактаблари ва хореография билим юрти ўқувчилари иштирокида Ҳамза ижодига бағишланган олимпиада ўтказилди.

Мазкур олимпиадада ўқувчилар ўзларининг пухта билимга эга эканликларини намойиш этдилар. Айниқса, Глиэр номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси И. Мусаева билан 10-синф ўқувчиси Д. Усмонованинг билим савияси ва топқирлиги жюри аъзолари ҳамда томошабинларга манзур бўлди.

Олимпиадада Ҳамза номли музика билим юрти талабалари ижросида адабий композиция кўрсатилди.

М. ҚОДИРОВА.

ДИҚҚАТ: ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Жиноятчиликкa қарши кураш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби турли муаммолар юзасидан журналистлар билан брифинг ўтказиш республика Ички ишлар министрлиги фаолиятида яхши анъанага айланиб бормоқда. Бундай брифинглар республика аҳолисида катта қизиқиш уйғотмоқда. Милиция билан жамоатчилик ўртасидаги ўзаро алоқа масалалари газетхонлар эътиборига ҳавола қилинадиган бўлиб қолди. Ўзбекистон телевидениесининг «Очиқчасига гаплашамиз» кўрсатуви томошабинларнинг эътиборини қозонди.

Аҳолини ички ишлар органлари фаолиятидан хабардор қилиб туришда министрнинг ўзи, шунингдек, унинг ўринбосарлари, министрликнинг етакчи бошқармалари бошлиқлари, тажрибали мутахассис-терговчилари фаол қатнашмоқдалар. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ишларини қандай ташкил этаётганликлари, ҳуқуқбузарликка қарши кураш чоралари тўғрисида сўзлаб берадилар.

Республика аҳолиси билан навбатдаги ана шундай алоқани шу йил 23 май куни соат 10 дан 13 гача «Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги раҳбариятининг аҳоли билан бевосита телефон орқали мулоқоти» номи остида ўтказишга қарор қилинди.

Телефон орқали саволларга қуйидаги раҳбарлар жавоб беришади:

— кадрлар масаласи бўйича — министр ўринбосари Алексей Петрович ТЕПЛОВ (телефон: 33-60-42);

— ахлоқ тузатиш ишлари масаласи бўйича — министр ўринбосари Евгений Васильевич УСПЕНСКИЙ (телефон: 33-42-81);

— жамоат тартибини сақлаш, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш масалалари бўйича — министр ўринбосари Туйғун Абдуллаевич ТУХТАЕВ (телефон: 33-52-83);

— милиция ходимларининг ахлоқий-сиёсий қиёфаси, уларнинг турмуш ва хизматдаги ҳулқи масалалари бўйича — сиёсий бошқарма бошлиғининг ўринбосари Михаил Петрович ИВАНОВ (телефон: 33-78-24).

Ҳоҳловчиларни телефон орқали мулоқотга таклиф этамиз. Сиз ўзингизни қизиқтираётган масалалар юзасидан жавоблар оласиз.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Журналистлар Союзи Тошкент ташкилотининг «Нур» ижодий уюшмаси правленеси уюшма ҳузурида тилларни ўргатиш бўйича очилган пулли курсларни тугатишга қарор қилди. Шу муносабат билан курс ташкилотчилари томонидан тарқатилган гувоҳномалар ҳам бекор қилинади.

Эътироз ва даъволар «Нур» ижодий уюшмаси правленеси номига қуйидаги адрес бўйича шу йилнинг 1 июнига қадар билдирилиши мумкин: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги проспекти, 6-уй.

«НУР» ижодий уюшмаси.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Р. — 11784. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б. — 1608. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12